O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 22 июнь, № 121 (4274) Жума

# ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ – ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 21 июнь куни Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.***



Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунига етгач, шаҳар ҳаво порти халқаро аэропорт мақомини олади. Шу кунга қадар кутиш заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими янгиланди.

Давлатимиз раҳбари аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қулайликларга эга ритилди. Айни пайтда филиал ходимлари томонидан яратилган ғўзанинг "Тўрақўрғон-1", "Тўрақўрғон-2", "Тўрақўрғон-3" навлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизикди. Юртбошимиз оиламиз кўрки ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг оиладаги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мавқеи ва фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди. етди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатлар бутунлай тугатилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тўлиқ фермерлар зиммасига ўтди.

Қарийб 200 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган наманганлик миришкорлар 103 минг гектардан зиёд майдонда ғўза парваришламоқда. 74 минг 272 гектар ерда пишиб етилган ғалла эса ўриб-йиғиб олинмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишда ривожланган давлатларда синовдан ўтган самарали ди. Чўл ҳудудида жойлашгани боис еримизнинг унумдорлиги нисбатан пастроқ. Аммо қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, — дейди Мингбулоқ туманидаги "Юсуф бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов.

Президентимиз унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади.

Фермерларимиз деҳқончилик билан чекланиб қолмай, қўшимча соҳалар, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратсалар, олаётган даромадлари янада ошади. Буни Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— 216 гектар еримиз бор, — дейди Ҳ.Мўйдинхўжаев. — Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. 600 бош қорамолимиз бор. Хўжалигимизда бир кунда 2 минг литрдан кўпроқ сут соғиб олинади. Замонавий технология асосида ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаяпмиз.

Юртбошимиз «Чашмаи сафед» каби фермер хўжаликлари тажрибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ёрдам бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

— Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончиликка боғланиб қолмаслиги керак, — деди Юртбошимиз.

Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислом Каримов шаҳарнинг "Тинчлик" майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳаво ва яшил ҳудудга, вилоят аҳлининг севимли масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислом Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизикди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бироз кечроқ бўлса-да, вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик жадал ривожланмоқда. Бошқача айтганда, Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди.

Вилоятда 16 минг 193 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 239 минг гектар ернинг соҳиби ҳисобланади. Фермерлар ўтган





ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Реконструкция ва таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш борасида мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Филиал ғўза селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориладиган йирик илмий марказлардан ҳисобланади. Бу ерда кузги буғдойнинг "Тўрақўрғон-И" нави яратилди ва 2005 йили давлат реестрига ки-

— Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз — болажон халқ. Бизнинг орзу-ҳавасларимиз, ниятларимиз — барча-барчаси фарзандларимиз камоли билан боғлиқ.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўкинлиги кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

— Қишлоқларнинг ободлиги фермерлик ҳаракати, тадбиркорлик ва хусусий бизнес ривожига бевосита боғлиқ. Юртнинг истиқболини таъминлайдиган, эл юкини кўтара оладиган фермерлар, тадбиркорлар Наманган вилоятида ҳам кўпчиликни ташкил этади, — деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятдаги фермерлар сони салкам 13 мингга йўлни — фермерликни танладик, — деди Ислом Каримов. — Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, яъни ўз самарасини бермоқда. Буни Наманган вилояти фермер хўжаликларининг пахтачиликдаги улуши 82, ғаллачиликдаги ҳиссаси 86 фоизга етганидан ҳам кўриш мумкин.

— Фермерликни бошлаганимга ўн бир йил бўлди, — дейди Косонсой туманидаги "Тошкент" фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова. — Мен оддий бир қишлоқ аёли эдим. Фермер бўлиб, дунё кўрдим — кўплаб мамлакатларга бордим. Хўжалигимизнинг 83 гектар ери бор. Ўтган йили 32 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозир тикувчилик цехи очиш ҳаракатидамиз.

— Фермерлик туфайли ўғил-қизларим олий маълумотли, уйли-жойли бўлди. Фарзандларим ёнимга кир-

— Тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими замон талаби даражасида ривожлансин. "Микрокредитбанк" бу борадаги ишларни янада кенгайтирмоғи лозим.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга, аҳолининг тиббий маданиятини, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, жойларда янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ана шундай муассасалардан бири — Наманган шаҳридаги "Saydana" тиббиёт маркази фаолияти билан танишди.

даврда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини амалда исботлади: 2006 йили вилоят пахтакорлари етиштирган пахтанинг 64,3 фоизи айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Жорий йилда вилоят миришкорлари 113 минг 200 гектар ерда ғўза парваришламоқда. Вилоят бўйича бу йилги ялпи пахта ҳосили мўлжали — 349,7 минг тонна. Ана шу шартнома мажбуриятларини кўнгилдагидек адо этишда фермер хўжаликларининг улуши катта бўлиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда кузги буғдойнинг истиқболли "Андижон-1", "Андижон-2", "Чиллаки" каби навлари синовдан муваффақиятли ўтди. Жорий йилда 75,4 минг гектар майдонда ғалла

(Давоми 2-бетда).

# «УНИВЕРСИАДА – 2007» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Азиз фарзандларим!*

*Муҳтарам устоз ва мураббийлар!*

*Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида барча спорт ишқибозлари ва ихлосмандларининг, бутун Ўзбекистон ёшларининг эътиборини ўзига тортадиган катта бир воқеа — "Универсиада — 2007" ўйинларининг тантанали очилиши билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.*

*Бугун сизларга ўз бағрини очаётган муҳташам стадион ва спорт майдонларига тўпланган сиз, азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу ҳақиқат яхши аён, деб ўйлайман.*

*Ана шундай вазият, дунё миқёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-ўсиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш, ўзининг бор кучи ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати ва келажаги йўлида сафарбар этишни талаб қилмоқда.*

*Шу билан бирга, олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб voяга етиши, ҳеч кимдан кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаши алоҳида ўрин тутади.*

*Айни шу мақсадда юртимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб фарзандларимиз қалбида спортга меҳр ва ҳавас уйғотиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спорти ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шаҳар ва қишлоқларда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари қошида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ва бундай кенг кўламли ишларимизнинг натижаси ва самарасини бугун ҳар қадамда кўрмоқдамиз.*

*Бугунги кунда Руслан Чагаев ва Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратиниараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.*

*Энг муҳими, ана шундай фидойи ўғил-қизларимиз тимсолида мамлакатимизнинг ўсиб-янгиланиб, кучли ва қудратли давлатга айланиб бораётгани яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халқаро жамоатчилик томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинаётганининг ўзи шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз.*

*Шу борада уч босқичдан иборат узлуксиз тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари бу йўналишдаги амалий ишларимизнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Спортга ёшликдан ихлос қўйиб, унинг сир-асрорларини ўрганиш, машаққатли машғулотларда чиниқиш, иродасини тоблаш, мардлик ва матонат, ўз-ўзини енгиш, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини сафарбар этиш каби хусусиятларни камол топтириш айнан мана шу уч поғонали ноёб тизимнинг моҳиятини ташкил этиб, миллионлаб ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Бугун бошланаётган, ана шу мактабнинг юқори босқичи бўлган Универсиада ўйинлари ҳам азму шижоат ва қатъиятлик, холислик ва ҳалоллик, ўз рақибига ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ғалабага бутун борлиғи билан интилиш ва бағрикенглик туйғуларини намоён этадиган чинакам кураш майдони бўлади, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.*

*Сизларнинг мана шундай олижаноб фазилатларингизни, кескин ва муросасиз беллашувлар натижасида юксак шоҳсупаларга кўтарилишингизни оила аъзоларингиз, тенгдошларингиз телевидение ва матбуот орқали ҳаяжон билан кузатиб бориши, бу ўйинлар барча спорт мухлислари, бутун халқимизнинг эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.*

*Қадрли ўғил-қизларим!*

*Барчангизни бағримга босиб, бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ғалаба, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.*

*Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-ғайратингизга, тоғдек таянчингиз — буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

***Тошкентдаги "Ёшлик" спорт мажмуасида "Универсиада — 2007" машъаласи ёқилди. Мана, икки кундирки, пойтахтимиздаги қатор спорт мажмуаларида байрам руҳи ҳукмрон. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган икки минг нафарга яқин ёшлар "Универсиада — 2007" мусобақаларида ўзаро беллашмоқдалар.***

# АҚЛ-ЗАКОВАТ, БИЛИМ ВА ТАФАККУР, КУЧ-ҒАЙРАТ КЎЗГУСИ

Президентимиз таъкидлаганларидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва билимдон, спорт майдонларида чиниққан мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Шу мақсадда ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизимига асос солинди. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштириладиган "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларидир.

Мазкур мусобақалар ёшларимизда ўзига бўлган ишонч туйғусини кучайтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатнинг турли бурчакларидан келган талаба-спортчилар бир-бирлари билан дўстлашадилар, эзгу мақсад сари жипслашадилар, уларда Ватанни ҳимоя қилиш туйғуси шаклланади.

Яна бир муҳим жиҳати, мазкур спорт ўйинлари муносабати билан шаҳарлар, қишлоқлар обод бўлаяпти, халқаро талабларга жавоб берадиган спорт иншоотлари, маданий-маърифий бинолар бунёд этилаяпти. Узоққа бормайлик, яқин-яқингача вилоятларда бирорта талабга жавоб берадиган сузиш ҳавзаси, намунали спорт мажмуаси йўқ эди. Бугунга келиб уч босқичли спорт ўйинларига мезбонлик қилган вилоятларда ва бошқа жойларда халқаро талабларга жавоб бердиган мажмуалар қурилди. Натижада ёшларнинг эришаётган ютуқлари ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари ёшларимизга катта спорт эшикларини очиб бермоқда. Бугунги кунда юртимиз довруғини дунёга таратаётган машҳур спортчиларимиз — Рустам Қосимжонов, Руслан Чагаев, Абдулла Тангриев ва Рамзид-

(Давоми 2-бетда).



# ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

етиштираётган вилоят деҳқонлари 453,7 минг тонна ҳосил кўтаришни мўлжаллаган. Ҳозирги вақтда вилоят далаларида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирган. Шу кунгача далалардаги ҳосилнинг қарийб 60 фоизи йиғиштириб олинди.

Олтинкўллик Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган "Олтин водий гулшани" фермер хўжалиги 33 гектар майдонда етиштирилган ғалладан мўл-кўл ҳосил олиб, шартнома мажбуриятини 106 фоиз бажарди.

— Ортиб қолган ғалламиз уй солишга ҳам, тўй қилишга ҳам етади, — дейди фермер. — Фермерликда барака бор экан. Шу йилнинг ўзида 25 миллион сўм даромад олдик. Бу даромаддан ишчиларимиз ва уларнинг оила аъзолари баҳраманд бўлмоқда, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида эҳтиёжманд кишиларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаяпмиз. Даромадимиздан қўшимча техника олмоқчимиз.

Жалақудуқ туманидаги Шерали Назаров раҳбарлик қилаётган "Намуна ибрат сарвари" фермер хўжалиги аъзолари 36 гектар ерда миришкорлик қилиб, пахта ва ғалла мавсуми якуни бўйича 41 миллион сўм даромад топдилар. Ш.Назаров халқимизга ерга эгалик ҳуқуқини қайтариб беришнинг, фермерлик ҳаракати юртимизда кенг жорий этилишининг ташаббускори бўлган Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

— Шартномани бажарган, мажбуриятлардан қутилган фермер ортиб қолган ҳосилига тўлалигича ўзи эгадир, — деди давлатимиз раҳбари. — Шартнома ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан қонун даражасига тенг ҳужжат эканини доимо ёдда тутиш даркор.

Андижонда 80 саноат корхонаси мавжуд. Вилоятнинг Балиқчи туманидаги "Алишер Навоий" акционерлик жамияти ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда ҳар куни 25 тонна тола қайта ишланади ва сифатли ип-калава тайёрланади. Ўтган йили корхонада 300 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Корхона раҳбари Ҳайитбой Абдулҳакимовнинг айтишича, ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилиши маҳсулот сифати юқорилигини, унинг наинки ички бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятининг юксалиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда қатор Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатлар корхона маҳсулотларининг фаол харидорлари ҳисобланади.

Ислом Каримов ушбу корхона фаолияти билан танишди. Ишчилар билан суҳбат асносида уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрини ҳам кўздан кечирди, театр жамоаси билан мулоқотда бўлди.

— Вилоят театри шундай муҳташам бинога эгалиги ушбу заминда маънавият илдизлари мустаҳкамлигидан далолатдир, — деди Президентимиз. — Театр санъаткорлари бугунги буюк ўзгаришларни, тарихимиз ва ёруғ келажагимизни ёрқин бадиий образларда тараннум этиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий камолоти йўлида муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Шу билан Президентимизнинг Наманган ва Андижон вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**Саид ШУКУРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Дилшод ЮСУПОВ, Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

***21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси А.Абдуназаров учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар уни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар баён этдилар. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов ахборот берди. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиққан муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси З.Ботирова «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Қонуннинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш заруратидан келиб чиққанлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга депутатлар мазкур ҳужжатнинг айрим қоидаларини сифат жиҳатидан маромига етказишга қаратилган қатор мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикрларни инобатга олиб, муҳокама чоғида баён этилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилганидан кейин лойиҳани қайта иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қарор қилди.

Депутатлар Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жўрабоев томонидан тақдим этилган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА).**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Соғлом турмуш — камолот омили

***Яккабоғ туман ҳокимлигида республика Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Ёшларни ОИТС ва гиёҳвандликдан асрашнинг долзарб масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

■ Тадбирда ёшларни жисмонан бақувват қилиб камол топтиришда салбий иллатларга нисбатан таъсирчан чоралардан самарали фойдаланиш, ОИТС ва гиёҳвандликка қарши тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш, бу борада қабул қилинган тегишли қонунлар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

## Мусаффо осмон лочинлари

***Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган курсантларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.***

■ Фазо лочинларига бир пайтнинг ўзида офицерлик унвонлари берилгани ҳам тантанали равишда эълон қилинди.

Олий ҳарбий авиация билим юрти ўзининг 13 йиллик фаолияти давомида кўплаб ҳарбий учувчилар, муҳандис, техник ходимлар тайёрлади. Тантанали маросимга ташриф буюрган ота-оналар фарзандларининг мустақил Ўзбекистонни муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдиришди.

## Марғилоннинг янги бозори

***Марғилон шаҳрининг қутлуғ юбилейи арафасида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.***

■ Шаҳар ҳудудидаги тарихий обидалар шарқона меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирланиб, янги замонавий иншоотлар бунёд этилаётир.

Яқинда шаҳар марказида қайта таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги қиёфа касб этган деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Замон талаблари асосида қайтадан барпо этилган мазкур бозор қурилишига 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Тошкент шаҳридаги 12-трест қурувчилари бу ерда улкан ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилди.

## Эзгу ишлар сарҳисоби

**Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.**

■ Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицей ва вилоят Ёшлар марказида ўтказилган тадбирларда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида сўз борди.

Тадбирлар доирасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари, маҳалла оқсоқоллари ва фахрийлар, талаба ёшлар учун байрам дастурхони ёзилди.

# АҚЛ-ЗАКОВАТ, БИЛИМ ВА ТАФАККУР, КУЧ-ҒАЙРАТ КЎЗГУСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

дин Саидов, Саида Искандарова, Светлана Радзивиль, Мафтунабону Тўхтасинова ва бошқа кўплаб ёшларимиз юртимиз ғурурига айланган.

"Универсиада — 2007" муносабати билан пойтахтимизда ҳам кўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди. Бу мажмуалар халқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб берадиган замонавий спорт иншоотлари экани билан ҳам эътиборга сазовордир. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университетига қарашли узунлиги 50, эни 21 метр, чуқурлиги эса 2,5 метр бўлган ёпиқ сув спорти саройи ишга тушди. Бу ерда сув спортининг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент Давлат техника университетининг гимнастика зали, 25/11 метрлик ёпиқ сув ҳавзаси, баскетбол, волейбол, мини-футбол майдонларига эга янги мажмуада эса спортнинг ўн бешга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, Тошкент Тиббиёт академиясида 4500 томошабинга мўлжалланган стадион ва спорт мажмуаси қурилди. Шаҳарча ҳудудида жойлашган ўнлаб футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари реконструкция қилинди

21 июнь. Соат 19. 30. Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуаси стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янграйди. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари кириб келади. Машҳур спортчилар Ўзбекистон Республикаси ва "Универсиада" ўйинлари байроқларини олиб киришади.

"Универсиада" мусобақаларининг биринчиси 2000 йил Наманганда ўтказилганди. Мусобақаларнинг иккинчиси 2002 йили Бухорода, учинчиси 2004 йили Самарқандда зўр муваффақият билан ташкиллаштирилди. Йилдан-йилга мусобақалар савияси ошиб, такомиллашиб бораяпти.

Мамлакатимизда тўртинчи бор ўтаётган ушбу спорт баҳслари унинг иштирокчилари ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз. "Универсиада — 2007" спорт ўйинларининг қуйи босқичларида 160 минг нафар талаба-ёшлари қатнашдилар.

Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада — 2007" иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг табригини гулдурос қарсаклар билан кутиб олган йигит-қизлар ва меҳмонлар мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни яна бир бор дилдан ҳис этдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон мадҳияси садолари остида давлатимиз байроғи ва "Универсиада — 2007" ўйинлари байроғи кўтарилди. Стадиондаги ёшлар қўлларини кўксига қўйиб, Ўзбекистон Давлат мадҳиясига жўр бўлишди. Сўнгра "Универсиада — 2007" ўйинлари қатнашчилари Президентимиз томонидан ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ғамхўрликка жавобан, илм-фан чўққиларини ва касб-ҳунар сирларини сабот билан эгаллашга, спортда ўзлигини намойиш этишга тантанали қасамёд қилдилар.

Барчанинг нигоҳи майдонга тантанавор олиб келинаётган "Универсиада — 2007" машъаласига қаратилди. Машъала бу сафар ҳам Паркентдаги "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш марказининг 2600 градусли қуёш ўчоғида ёндирилди. «Универсиада — 2007" олови ёқилди. Уни ёқиш таниқли спортчилар — эркин кураш бўйича Осиё чемпиони Дилшод Мансуров ва Республика "Машриқзамин маликаси" танлови ғолиби Саида Бурхонхўжаевага насиб этди.

Санъат усталари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури спортчиларнинг кўргазмали чиқишларига уланиб кетди.

"Универсиада — 2007" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА), Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

# УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ — ТОШКЕНТДА

***Халқаро Олимпиада ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан ер юзининг саноқли жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида бор.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда — Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг "Универсиада — 2007" мусобақалари машъаласи ҳам 21 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бу ерда бўлган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спорт фахрийлари иштирок этди.

Юртимизда спортни янада ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, ёшларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

...Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган "Универсиада-2007" машъаласини ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпиони Руслан Носиров ҳамда кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Мухтабар Муҳамедова майдонга олиб киради. Машъалани ёзги биатлон бўйича Осиё чемпиони Дилафруз Имомҳусанова олиб, пойтахтимиз сари йўлга тушади.

"Универсиада — 2007" машъаласи олиб ўтилган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Жумладан, Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор, Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" истироҳат боғларида ва пойтахтимизнинг Бектемир туманида ўтган ана шундай тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди. Қатор спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Куй-қўшиқлар янграб, шеърлар ўқилди.



Универсиада спорт мусобақаларининг юксак савияда ташкил этилаётганини кўриб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда, — дейди таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони Қуттибек Абдиев. — Биз, ёшлар берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, ўзимизнинг аъло ўқишимиз ва самарали ишларимиз билан Ватанимиз ва халқимиз корига ярашимиз зарур.

"Универсиада — 2007" машъаласини дуатлон бўйича Осиё чемпиони А.Мехеев, триатлон бўйича Осиё чемпионлари И.Морозов, П.Растригин сингари таниқли спортчилар манзилига етказдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Солиҳов иштирок этди.

***"Универсиада — 2007" спорт мусобақалари иштирокчилари 21 июнь куни эрталаб ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.***

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътибор замирида фарзандларимиз онги ва қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, шонли тарихимизга ҳурмат-эътибор туйғуларини чуқур сингдиришдек эзгу ниятлар мужассамдир. Бу борадаги барча эзгу ишлар йигит-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш билан уйғун тарзда олиб борилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Универсиада мусобақалари очилиши олдидан Ватанимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимиз барча тенгдошларим қатори менинг ҳам қалбимни чуқур ҳаяжон ва фахрга тўлдирди, — дейди Жиззах Давлат педагогика институти талабаси Дилноза Аҳмедова. — Пойтахтимиз эса жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Биз бу ерда янгидан-янги бинолар, йўллар, кўприклар, спорт мажмуалари барпо этилганининг гувоҳи бўлдик.

Енгил атлетикачи Хайрулла Омонов Андижон Давлат тиббиёт институтида таҳсил олади. Республика миқёсидаги турнирларда совринли ўринларни қўлга киритган. Унинг айтишича, Мустақиллик майдонини зиёрат қилган ҳар бир йигит-қизнинг Ватанимиз, бунёдкор халқимиз ва мана шундай улкан имкониятлар эшигини очган истиқлолимиздан фахр-ифтихор туйғулари янада ортади.

Мен Тошкентга биринчи марта келишим, — деди қорақалпоғистонлик теннисчи талаба Гулнора Муҳитова. — Мустақиллик майдонини кўриш орзуим эди. Бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ ва азиз неъмат — истиқлолимиз рамзларидандир. Шу боис барчамиз мустақиллик берган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон мисолида яна бир бор чин юракдан ҳис этамиз, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги бурчимизни янада теранроқ англаб етамиз.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

Муҳаммад АМИН олган сурат.

## Геймерлар пойтахтда беллашади

***Қарши шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг минтақавий саралаш босқичи мусобақалари якунланди.***



■ «Сарбон» ЛТД хусусий корхонасига қарашли «Шуҳрат» интернет клубида ўтган баҳсларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидан 400 га яқин геймер (компьютер ўйинчи) автомобиллар пойгаси ва стратегик-фантастик йўналишдаги ўйин турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Стратегик-фантастик йўналишда умумжамоа ҳисобида Қарши шаҳрининг «Ривера» геймерлари ғолибликни қўлга киритди. Якка геймерлар орасида Термиз шаҳридан Фурқат Юсупов, қаршилик Дамир Азизов ва Баҳодир Воҳидов биринчи ўринни эгаллади.

Автомобиль трассаси бўйлаб ҳаракатланиш ўйинидаги беллашувлар ҳам қизиқарли кечди. Бу йўналишда қаршилик Артур Чихачев пешқадамлик қилди.

## «Дилнаво»нинг хуш наволари

**«Дилнаво» фольклор дастаси Наманган педагогика коллежининг фахри.**



**■ Хонишда булбул билан баҳслашадиган йигит-қизлар халқимизнинг ўлан ижроси — алёр, лапар, «Алла» ва «Ёр-ёр»ни куйлашда ўзига хос маҳоратга эга. Бу пойтахтда ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» республика кўрик-танловида ҳам яна бир бор исботини топди. Ҳакамлар ҳайъати 14 фольклор жамоаси орасидан «Дилнаво»ни биринчи ўринга лойиқ кўрди.**

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

# РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

**Ҳамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари мавжудлигини маълум қилади.**

### «Nihol»
омонат турига маблағлар 1 ой сақлаш ва йиллик **24 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.*

### «Kamalak»
омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

### «Navbahor»
омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик **20 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

### «Nilufar»
омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик **24 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.*




### «Shodlik»
омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик **22 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

### «Bahor»
омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик **24 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

### «Sevinch»
омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик **20 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

### «Luks»
омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик **15,6 дан 17,6 фоизгача** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### «Коммунал омонати»
омонат турига маблағлар 3 ой ва ундан ортиқ сақлаш ва йиллик **18,0 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### «Ishonch»
омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик **15,1 дан 17,1 фоизгача** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### «Нафақа-мададкор»
омонат турига маблағлар 1 йил сақлаш ва йиллик **15,1 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### «Kafolat»
омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик **16,1 дан 18,0 фоизгача** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### Пластик карточка
Талаб қилиб олгунча, муддатсиз омонат турига маблағлар йиллик МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

### «Саломатлик»
омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик **16,6 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

**Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.**

**«ҒАЛЛАБАНК» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!**

**Барча турдаги тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи пластик карточкаларни таклиф қилади.**




***Булар ойлик маошларини олиш учун навбатда турибдилар!***

***Булар эса хотиржам ишларини давом эттирмоқдалар, чунки улар маошларини "Ғаллабанк" пластик карточкалари орқали олмоқдалар!***



*Ҳурматли хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари!*

*Ходимларингизга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш; тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштириш имкониятларига эга бўлишни истасангиз !!!!*



**Банкнинг пластик карточкалари орқали «Иш ҳақи» лойиҳасидан унумли фойдаланинг!**

**Банк томонидан аҳолига ва мижозларга қулай шартлар асосида қуйидаги замонавий банк хизматларини кўрсатиш амалга оширилмоқда**



**Истеъмол кредити қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

- *аудиотехника, видеотехника, радио-электрон ва компьютер жиҳозлари сотиб олиш;*
- *маиший техникалар (музлатгич, совутгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич ва ҳ.к.) сотиб олиш;*
- *мебеллар, интерьер буюмлари, спорт ва сантехника жиҳозлари, уй-жойни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар учун;*
- *тўлов-контракт асосидаги таълим муассасаларида ўқиш учун;*
- *даволаниш учун (жумладан, дам олиш уйлари ва санаторияларга йўлланма сотиб олишга).*



**Ипотека кредити қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

- *якка тартибдаги уй-жой қуриш;*
- *якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш;*
- *якка тартибдаги уй-жойни ва кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун.*





**Микрокредит қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

- *минитехнологиялар харид қилиш;*
- *ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш ҳайвонлар, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, маъданли ўғитларни харид қилиш;*
- *хомашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;*
- *меҳнат воситалари, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;*
- *халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш;*
- *ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш;*
- *маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш.*

**Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 136-15-01, 133-42-95.**

**«Ғаллабанк» хизматларидан фойдаланинг ва муаммоларингизни ҳал қилинг!**

**Жисмоний шахслар учун юқори фоизли омонат сертификатлари, юридик шахслар учун депозит сертификатларини сотиб олишни таклиф этамиз.**

**Жисмоний шахслар учун омонат сертификатлари:**
- муомала муддати — 12 ой;
- сертификат тури — тақдим этувчига ёзиб бериладиган;
- фоизли даромади — йиллик 20 фоиз.

***Фоизлар ҳар чорак якуни бўйича тўлаб борилади.***

**Юридик шахслар учун депозит сертификатлари:**
- муомала муддати — 6 ойдан 12 ойгача;
- сертификат тури — эгасининг номи ёзилган, нақдсиз шаклда;
- фоизли даромади — йиллик 7 фоиздан 10 фоизгача.

***Фоизлар ҳар ой давомида тўлаб борилади.***



*Омонат ва депозит сертификатларини сотиб олиш истаги бор сармоядорлар банкнинг барча филиалларига мурожаат этишлари мумкин.*

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишингизни сўраймиз: 136-16-17, 132-16-55.**

**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!**

*Самарқанд шаҳри ўз кечмишида юксак парвозни ҳам, ногаҳон инқирозни ҳам бошидан ўтказган. Унинг илк пайдо бўлиш босқичларига назар соладиган бўлсак, ибтидоий давр маданиятига бориб туташишини англашимиз мумкин. Бунга Ургут тоғларидаги Омонқўтон, Замиччатош, Булунғур туманидаги Қўтирбулоқ, Нарпай туманидаги Зирабулоқ каби тош даврига оид ёдгорликлар гувоҳдир. Маълумотлар ҳали Самарқанд шаҳрига асос солинишидан 8 минг йиллар илгари бу ҳудудда қадимий одамлар яшаганлигини ва улар ривожланган маданият соҳиблари бўлганликларидан шоҳидлик беради.*

# ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...



Бронза даврига келиб Зарафшон водийсининг ўрта қисмида юксак деҳқончилик маданияти ва чорвачиликка асосланган манзилгоҳлар пайдо бўлади. Ургут туманидаги Мўминобод, Сойиғус, Файзиобод, Нуробод туманидаги Жом ва Тайлоқ туманидаги Тўғай каби қишлоқларда ўрганилган археологик ёдгорликлар бронза даврида Самарқанд шаҳри атрофида деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик юксак даражада ривожланганлигини далиллайди.

Табиийки, бундай қишлоқлар Самарқанд шаҳрининг дастлабки бешиги — Афросиёб ёдгорлиги ўрнида ҳам мавжуд. Археологик қазишмалар мобайнида Афросиёб ёдгорлигидан ибтидоий одамлар ясаган 30 дан ортиқ турли тош қуроллар топилган. Бу қуроллар Афросиёб ёдгорлиги ўрнида ҳали шаҳар пайдо бўлишидан бир неча минг йиллар олдин аҳоли яшаганлигидан гувоҳлик беради. Юқорида номлари тилга олинган қишлоқларда ва Афросиёбда яшаган аҳоли бирлашиб, айнан Самарқанд шаҳрига асос солганликларига шубҳа йўқ.

Шу ўринда, нега шаҳар айнан ҳозирги Афросиёб ўрнида барпо қилинган, деган савол пайдо бўлади. Маълумки, аждодларимиз бирор бир улкан иншоот ёки шаҳарни барпо қилишдан олдин, мазкур жойнинг ҳар томонлама қулайликларини, хусусан, улар шамолнинг доимий йўналиши, ер ости сувларининг яқин ёки чуқурдалиги, тошқинлар пайтида сув босиш эҳтимоли камлиги, энг муҳими, ёвлардан ҳимояланиш шараоитини ҳисобга олганлар.

Самарқанд шаҳри 1220 йилгача, яъни Чингизхон томонидан вайрон қилингунга қадар Афросиёб ўрнида бўлган. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик санаси ҳам Афросиёбда олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида аниқланди. Бир неча тепаликлар, жарликлар, очиқ майдонлар, кўчалар ва маҳаллалардан иборат бу шаҳарнинг харобаларида кўп қатламли ўтмишимизнинг энг қадимги, шонли саҳифалари кўмилиб ётибди.

Афросиёбда илк археологик қазишмалар XIX асрнинг 70-йилларида бошланган. Аммо илмийликдан йироқ бўлган бу қазишмалар асосан ноёб топилмаларни ахтаришга қаратилган эди. Кенг кўламли илмий-археологик тадқиқотлар XX асрнинг 50-йилларидан кейин бошланди. Айниқса, Афросиёбдаги тадқиқотларга академик Яҳё Ғуломов раҳбарлик қилганидан сўнг бу ерда иш тезда жонланиб кетди. Афросиёб Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тўғри англаб, олим бу ердаги қазишмалар кўламини янада кенгайтирди ҳамда оламшумул кашфиётлар қилинди. Самарқанд ҳукмдори Вархуман саройи деворларига VII-VIII асрларда моҳир мусаввирлар томонидан ишланган ранг-баранг суратлар тасвирий санъатнинг энг ноёб дурдонаси, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ўша тадқиқотлар мобайнида шаҳар маҳаллалари, кўчалари ва майдонлари ҳамда мудофаа деворларининг жойлашган ўринлари ҳам аниқланди. Ўрта асрларда фаолият кўрсатган жомеъ масжиди, кулоллар маҳалласи очилди. Қазишмалар пайтида ноёб тангалар, ҳайкалчалар, фил суягидан ясалган шахмат доналари топилди.

Биз юқорида Афросиёб шаҳарчасининг ўзида тўртта мудофаа девори бўлганлигини айтиб ўтгандик. Бу деворлар Афросиёб ҳаётининг турли босқичларида барпо қилинган. 1970 йилларгача археологик тадқиқотлар асосан шаҳарчанинг 2 ва 4 мудофаа деворлари оралиғида олиб борилган. Қазишмалар пайтида кулолчилик чархида ва қўлда ясалган сопол идишлар, темир ва бронзадан ясалган буюмлар ҳамда иморатларнинг деворлари топилган эди. Айнан шу топилмалар асосида 1970 йили шаҳарнинг 2500 йиллик санаси нишонланган. Агарда ўша даврдаги миллий сиёсатни инобатга оладиган бўлсак, бу сана ҳам халқимиз учун қилинган бир «марҳамат» эди. Қолаверса, 1970 йилги Самарқанд юбилейи ташаббускори собиқ иттифоқнинг раҳбарияти эмас, ЮНЕСКО ташкилоти бўлган.

1970 йилгача Афросиёбда олиб борилган археологик тадқиқотлар кўламига назар соладиган бўлсак, шаҳарнинг пастки, энг қадимги қатламлари очилмаган эди. Мустақиллик даврида Афросиёбда ўзбек археологларининг францияликвa россиялик олимлар билан ҳамкорликда олиб борган кенг кўламли археологик тадқиқотлари ўз самарасини берди. Натижада, олимлар шаҳар аркининг энг пастки маданий қатламларини мумкин даражада тўла ўрганишга эришдилар. Аркнинг аввалги очилган сатҳидан 10-15 метрлар чуқурликда қазишмалар олиб борилаётганида, аввалари бу ерда учрамаган, тош қуролларга, сопол идишларга, ибодатхона ва сарой қолдиқларига ҳамда қалинлиги 7 метрдан ошиқ, ғиштсимон гуваладан барпо қилинган мудофаа деворлар кашф қилинди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу мудофаа девори Ўрта Осиёдаги энг қадимий девор бўлиб, у эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда бунёд қилинган. Шубҳаларга ўрин қолдирмаслик учун бу ердан топилган ашёвий далиллардан намуналар олиниб, Франция илмий-тадқиқотлар марказига қарашли Жив-Сюр-Ивст шаҳридаги радиоактив лабораторияда тадқиқ қилинди. Лабораториядаги таҳлиллар эса ашёлар бундан камида 2750 йиллар илгари яратилганлигини кўрсатди. Шу йўл билан Самарқандга 2750 йил илгари асос солинганлиги исботланди. Буни Лолазор маҳалласидан топилган қадимги каналнинг излари ҳам тасдиқлайди.

Шу ўринда, ўзининг 2750 йиллигини нишонлаётган Самарқанд Шарқ халқларига нима берди, ўзининг қайси жиҳатлари билан ибрат бўлди, деган ҳақли савол туғилади.

Бу саволга жавоб бериш учун Самарқанд тарихи билан боғлиқ манбаларни, Самарқанддан топилган ноёб топилмаларни таҳлил қилмоқ лозим бўлади. Қадимги форс тилида ёзилган бир тарихий манбада айтилишича, бундан 2700 йиллар илгари Самарқандда улкан, ҳашаматли оташпарастлар ибодатхонаси бўлган. Ушбу ибодатхонада бир неча минг мол терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган муқаддас «Авесто» китоби сақланган. Юнон фотиҳи Александр Македонский Самарқандни истило этганида китобнинг катта қисмини ёқиб юбориб, қолганларини Юнонистонга жўнатган экан. Тарихий манбаларда, ибодатхоналарда илм-фаннинг турли соҳаларига оид қўлёзмалар, давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар сақланганлиги айтилган. Масалан, хитой императорларининг йилномаларида ёзилишича, Самарқандда VI-VIII асрларда «Адолат уйи» номли ибодатхона фаолият кўрсатган. Ушбу ибодатхонада туркий тилда ёзилган қонунлар тўплами сақланган, жиноятчиларни шу қонунлар асосида суд қилганлар. Муҳими, ушбу ибодатхона коҳинлари ҳеч кимга бўйсунмаганлар ва мустақил фаолият юргизганлар. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Қутайба ибн Муслим Мовароуннаҳрни истило қилганида, ибодатхоналардаги ноёб қўлёзма ва ҳужжатларни ёқиб юборган. Шу тариқа, халқимизнинг энг қадимги тарихига оид манбалар йўқ қилинган. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Самарқанд Мовароуннаҳрда ёзув, илм-фан, давлатчилик ва диннинг ривожига улкан ҳисса қўшган шаҳардир.



Эрамизнинг VI-VIII асрларида самарқандлик бастакор, созанда, қўшиқчиларнинг Хитой ва Корея мусиқасига кўрсатган таъсири манбаларда қайд қилинган. Хусусан, Хитой тарихий йилномаларида ёзилишича, Чин императорлари ўз саройларида самарқандлик санъаткорларни сақлаш, уларнинг санъатларидан баҳраманд бўлиш учун маблағни аямаганлар. VI-VIII асрларда Хитойнинг машҳур шоирлари самарқандлик созанда, раққос ва раққосалари шарафига шеърлар битганлар, хитойлик ҳайкалтарошлар эса уларнинг ҳайкалларини яратганлар. Яна шу нарса аниқланганки, Хитой ва Кореядаги кўпгина мусиқа асбобларининг асл ватани — Самарқанддир. Бу мусиқа асбоблари ҳозирда Хитой ва Кореянинг миллий мусиқа асбобларига айланиб кетган.

X-XI асрларда Самарқанд яна бир бор илм ва маърифат марказига айланганлиги, бу муаззам шаҳарда узоқ-узоқлардан келган олиму уламолар таҳсил олганликлари маълум. Тарихий манбаларда бу даврда Балхий, Дамашқий, Бағдодий, Нишопурий, Астрободий, Ҳамадоний, Бухорий, Насафий, Марвазий, Хўжандий, Марғиноний, Ахсикатий, Добусий, Термизий тахаллусли юзлаб алломалар яшаб ижод қилганликлари ва Самарқандда дафн этилганликлари ёзилгандир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанднинг нафақат шарқ мамлакатларига, балки Ғарб мамлакатларига ҳам кўрсатган ижобий таъсири ҳақида кўплаб илмий мақолалар, китоблар ёзилган.

**Д**унёдаги кўпчилик тарихчилар, адиблар ва шоирлар ер юзида икки боқий шаҳар мавжудлигини, улардан бири — Рим, иккинчиси — Самарқанд эканлигини эътироф этганлар.

Ҳа, шундай. Самарқанднинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам шонли, шарафли. Шу сабабли у боқий шаҳар деган юксак номга сазовор бўлди.

**Шокир ПИДАЕВ,**
**ЎзР ФА Я.Ғуломов номли Археология институти директори.**
**Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,**
**Археология институтининг етакчи илмий ходими.**

Универсиада кундалиги:

## УЧРАШУВ, БЕЛЛАШУВ, НАТИЖА

**СУВ СПОРТИ:** ***Яқинда фойдаланишга топширилган Ўзбекистон Миллий университети ёпиқ сузиш ҳавзасидаги мусобақалар муросасиз курашларга бой бўлди. Мураббий ва иштирокчилар бу ерда яратилган шароитларга юқори баҳо беришди.***

**Т**ошкентлик халқаро тоифадаги спорт устаси Мария Бугакова 50 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, "Универсиада — 2007" спорт ўйинларининг биринчи олтин медалини қўлга киритди.

— Қашқадарёда ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2006" мусобақаларида битта олтин ва битта кумуш медалларини қўлга киритгандим, — дейди Тошкент вилоят педагогика институти 1 курс толиби Даниль Коваль. — Бугун 50 метрга брасс усулда сузиш беллашувида бронза медали насиб этди.

**СТОЛ ТЕННИСИ:** Мусобақалар Ўзбекистон Миллий университети спорт залида ўтказилмоқда.

Ситора Примова Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг биринчи курсида таҳсил олади. 2005 йил Чирчиқ шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод" мусобақаларида учинчи ўрин билан кифояланганди.

— Бу йил олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз, — дейди у. — Дугонам Зарина Салоҳиддинова ва жамоамизнинг бошқа аъзолари билан Сурхондарё вилояти вакилларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдик.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тошкентлик полвонлар ғолиб

***КУРАШ мусобақаларида ҳам ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди.***

**У**нда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри полвонлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Хоразм, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти курашчиларига насиб этди. Шахсий биринчиликда Абдулла Тангриев, Вячеслав Перетейко, Рамзиддин Саидов, Шамсиддин Саидов (Тошкент шаҳри), Нурбек Искандаров (Хоразм), Валерий Лим (Самарқанд), Ришат Собиров (Бухоро)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларига сазовор бўлдилар.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Универсиада — 2007" спорт мусобақалари иштирокчилари учун ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар дастури ҳам кўзда тутилган. Юртимизнинг таниқли олимлари, ёзувчи ва шоирлари, машҳур спортчилар, санъаткорлар, ижрочи ёшлар иштирокида ўтадиган қизиқарли учрашувлар, концерт ва кўргазмалар, спектакллар шулар жумласидандир.***

## Унутилмас таассуротлар

**А**на шундай маънавий-маърифий тадбирлардан бири 20 июнь куни "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан бўлган учрашувда мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга давлат даражасидаги устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг мусиқий дастури ҳам намойиш этилди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг талабалар турар жойларида ҳам бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Элчихона асар ҳомийси

***Сурхондарё вилоят театрида немис ёзувчиси Лессингнинг "Донишманд Натан" номли асари намойиш этилди. Асар Ўзбек Миллий театри жамоаси томонидан талқин этилган.***

Эътиборли томони шундаки, Фридрих Науман жамғармаси ва Германия Федератив республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси "Донишманд Натан"нинг ҳомийлари бўлишди.

**М. КАРИМОВА.**








Минерал сув ва пиво идишлари учун кронен тиқинлар.
Маҳсулот сертификатланган.
Телефонлар: 173-93-12, 383-31-01.


Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партия Марказий Тафтиш комиссияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Юсуф Нишоновга онаси
**Тожихон НУРМАТОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори
**Зокирхон ҲАКИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Илмий-ўқув маркази жамоаси директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, химия ва фалсафа фанлари номзоди, доцент
**Мурод Толибович ТОЛИБОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси Ўзбек ва рус тиллари кафедрасининг катта ўқитувчиси Гулчеҳра Алиевага падари бузруквори адабиётшунос олим
**Аҳмад АЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Маркетинг кафедраси доценти Муҳиддин Ёдгоровга онаси
**ФАРИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Биржа» республика иқтисодий газетаси ЁАЖ жамоаси газета мухбири Рустам Худойқуловга падари бузруквори
**ХОЛБОЙ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5